

## А Ж Р И М

20293 йил 23 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг сайёр суд мажлиси, Андижон шаҳар, 1-сон ИИО ФМБ биносида бўлиб, раислик қилувчи – шаҳар судининг судьяси Н.Шарипова, судья ёрдамчиси Б.Турсуновнинг котиблигида, Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Адашов, Андижон шаҳри бўйича ИИО ФМБ Пробация бўлими вакили иштирокида, Андижон шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи томонидан Х.Жўрабековага нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида билдирилган тақдимномани ва унга илова қилинган хужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қўйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Журабекова Ходияхон Мансуровна, 1988 йил 17 августда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, вақтинча ишсиз, Андижон шаҳар, Ал-Бухорий МФЙ, 1-тор Мумтозбегим кўчаси, 1-уйда яшайди.

Х.Жўрабекова, 20.04.2022 йил куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 2 йил 6 ой муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланган ва Х.Жўрабекованинг зиммасига яшаш хонадонидан сутканинг 22:00дан 06:00га қадар чиқиши каби мажбуриятлар юклатилган.

Тақдимномада, Х.Жўрабековага нисбатан чиқарилган ҳукм 31.05.2022 йил куни Андижон шаҳри бўйича ИИО ФМБ Пробация бўлими ҳисоб рўйхатидан ўтиб, унга 712-сонли шахсий йиғма жилд юритилгани, маҳкум Х.Жўрабекова маҳкум жазо ўташ даврида ўзини ижобий томондан кўрсатиб жазони ўташ қоидаларини бузмай зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятини ўз вақтида бажариб келаётганлиги ва жазодан тўғри ҳулоса чиқариб, тузалиш йўлига ўтганлиги сабабли, жазони учдан бир қисмини ўтаб бўлганлигини, уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмини ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўралган Х.Жўрабекова қилмишидан чин кўнгимдан пушаймонлигини, ўзига нисбатан тайинланган жазодан тегишли ҳулоса чиқарганлигини, келгусидан жиноят содир



этмасилигни айтиб, тақдимномани қаноатлантириб берилишини сўраган.

Шунга кўра, суд тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, ИИО ФМБ Пробацяя ходими ва маҳкумнинг кўрсатувларини тинглаб, томонларнинг фикрини муҳокама қилиб, маҳкум Х.Жўрабекованинг суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосини виждонан ўтаганлигини, жазодан тегишли хулоса чиқариб олганлигини, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини, жазони учдан бир қисмини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмаган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, суд Ўзбекистон Республикасининг 73-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 4293,536-моддалирини қўллаб,-

### **А Ж Р И М            Қ И Л Д И:**

Андижон шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғининг Журабекова Ходияхон Мансуровнага нисбатан киритган тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ризаев Туражон, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси тартибида, ўталмай қолган 1 йил 7 ой 1 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар 20 кунлик муддат ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартиби хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**Н.Шарипова**



## СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2023 йил июнь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг сайёр суд мажлиси, Андижон шаҳар, 1-сон ИИО ФМБ биносига бўлиб, раислик қилувчи – шаҳар судининг судьяси Н.Шарипова, судья ёрдамчиси Б.Турсуновнинг котиблигида, Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Адашов, Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробаця бўлими вакили иштирокида, шу ИИО ФМБ томонидан Х.Жўрабековага нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида билдирилган тақдимномани ва унга илова қилинган хужжатлар билан бирга кўриб чиқиш бошланди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган тақимномани эълон қилди.

Суд мажлиси котиби маҳкум, ИИО Пробаця бўлими вакили ва прокурор суд залида ҳозирликларини маъруза қилди.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилиб, тарафларга суд таркибига ва процесснинг бошқа иштирокчиларига раддия бериш ҳуқуқларини тушунтириб, раддиялар бор-йўқлигини сўради.

Маҳкум, прокурор ва ИИО Пробаця бўлими вакили суд таркибига ва бир-бирларига раддиялари йўқлигини билдирдилар.

Раислик қилувчи маҳкум Х.Жўрабекова шахсини аниқлади.

Журабекова Ходияхон Мансуровна, 1988 йил 17 августда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, вақтинча ишсиз, Андижон шаҳар, Ал-Бухорий МФЙ, 1-тор Мумтозбегим кўчаси, 1-уйда яшайди.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи маҳкумни суд муҳокамасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Маҳкум суд муҳокамасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунганлигини билдириди.

Раислик қилувчи тақдимномани ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи иш материалларини текшириб чиқиб, прокурорга сўз берди.

Прокурор фикри.

Ҳурматли раислик қилувчи! Андижон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг маҳкум Х.Жўрабековага нисбатан киритган тақдимномасини қаноатлантиришни ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Раислик қилувчи тақдимномани ўқиб эшиттирди.



*Раислик қилувчи иш материалларини текшириб чиқиб, ҳимоячига сўз берди.*

*Ҳимоячи фикри.*

*Ҳурматли раислик қилувчи! Андижон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг маҳкум Х.Жўрабековага нисбатан киритган тақдимномасини қаноатлантиришни ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.*

*Раислик қилувчи ИИО ФМБ Пробация бўлими вакилига сўз берди.*

*ИИО ФМБ Пробация бўлими вакили фикри.*

*маҳкум Х.Жўрабекова нинг суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини виждонан ўтади, жазодан тегишли хулоса чиқариб олган, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлди, жазони иккидан бир қисмини ўтаганлигини инobatга олиб, ўталмаган озодликдан чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.*

*Раислик қилувчи маҳкумга сўз берди.*

*Маҳкум Х.Жўрабекова музокара сўзи.*

*Ҳурматли раислик қилувчи! Мен, жазодан ўзимга ижобий хулоса чиқариб олдим, келгусида бундай жиноятлар содир этиш такрорланмайди, шунини инobatга озодликдан чеклаш жазосини шартли равишда муддатидан илгари озод қилишингизни сўрайман.*

*Раислик қилувчи суд залида ҳозир бўлганларга қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киришини эълон қилди.*

*Раислик қилувчи маслаҳатдан чиқиб, иш бўйича чиқарилган ажримни ўқиб эшиттириб, ажримдан норози тарафларга шикоят қилиш тартиби ва муддатларини, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳуқуқларини тушунтириб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.*

*Суд мажлиси ёпиқ!*

*Раислик қилувчи*

*Н.Шарипова*

*Котиб*

*Б.Турсунов*



Ҳужжат имзоланган: Шарипова Наргиза Адхамовна, 26.06.2023

